O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2010-yil • 21-sentabr • Seshanba • 112 (31.232) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Ислом Каримовнинг Лондон учрашуви

ЛОНДОН, 19 сентябрь.
ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

■ БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисида қатнашиш учун Нью-Йоркка йўл олган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британия пойтахти Лондонда тўхтаб ўтди.

Мамлакатимиз раҳбари бу ерда «Британия — Ўзбекистон» жамияти раиси, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгаши ҳамраиси Ҳартли Бут ва «Британия — Ўзбекистон» парламент гуруҳи раиси Жон Вейверли билан учрашди.

Ислом Каримов Ўзбекистон — Британия муносабатлари ривожланиб бораётганини, хусусан, икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказаётгани, олий қонун чиқарувчи органлар делегацияларининг ўзаро ташрифлари фаоллашгани, илмий муассасалар ва ишбилармон доираларнинг ҳамкорлиги кенгаяётганини таъкидлади.

— Ўзбекистон Буюк Британия ҳукумати билан ҳамкорлик учун очиқ, бугун қайта ишга солинаётган салоҳият яқин вақтларда ҳаётга татбиқ этилади. Сизларнинг фаолиятингиз мамлакатингиз халқи Ўзбекистон халқи ҳақида янада кўп маълумотга эга бўлиши учун яхши муҳит яратмоқда, — деди Ислом Каримов.

Ўзбекистон ва Буюк Британия минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш масалаларида кўп томонлама асосда ҳам ҳамкорлик қилмоқда.

Йил охирида Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгашининг навбатдаги мажлисини ўтказиш мўлжалланмоқда. Унда қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масаласи ҳам кўриб чиқилади. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан тажрибага эга. Буюк Британиянинг ўсимликшунослик ва экологияни ўрганиш бўйича институтлари дунёдаги етакчи илмий тадқиқот марказларидан саналади. Истиқболда бу йўналишдаги алоқалар ҳам кенгаяди.

Буюк Британия Ўзбекистоннинг Европадаги йирик савдо-иқтисодий шерикларидан биридир. Мамлакатимизда британиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган икки юзга яқин қўшма корхона, Буюк Британиядаги элликдан зиёд фирма ва компаниянинг ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

«Британия — Ўзбекистон» парламент гуруҳи икки мамлакат ўртасида турли ташкилот ва идораларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва ривожлантиришга, сиёсий алоқалар ҳамда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришнинг ҳуқуқий-меъёрий асосларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ҲАМКОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАН

НЬЮ-ЙОРК, 20 сентябрь.
ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

■ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари мазкур саммитда нутқ сўзлади.



Ўзбекистон билан БМТ ўртасидаги муносабатлар қамрови кенг. Мамлакатимиз 1992 йилда ушбу энг нуфузли халқаро ташкилотга аъзо бўлди. Ўтган даврда тинчлик ва барқарорликка таҳдид солувчи хавф-хатарларга қарши курашиш, экологик муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида Ўзбекистон БМТ билан изчил ҳамкорлик қилиб келади.

2002 йилда БМТнинг ўша вақтдаги Бош котиби Кофи Аннан Ўзбекистонга келди.

Жорий йилнинг апрель ойида амалдаги Бош котиб Пан Ги Мун мамлакатимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асносида БМТ Бош котиби илк бор Оролбўйида бўлди ва у ердаги бутун дунёга таъсир кўрсатаётган экологик бўҳрон билан бевосита танишди. Бу Марказий Осиёдаги глобал экологик муаммога жаҳон ҳамжамияти эътиборини янада кучайтиришда муҳим омил бўлди.

Бош котиб Пан Ги Муннинг ташрифи асносида БМТ ва ШҲТ котибиятлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзоланган Марказий Осиёда интеграция жараёнларини фаоллаштириш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда мазкур икки ташкилотнинг иштирокини кенгайтириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Марказий Осиёнинг ядро қуролидан холи ҳудуд мақомини олишида ҳам БМТ билан ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этди. Бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга кўмаклашиш, ядро қуроли тарқалишининг олдини олиш йўлида жаҳон ҳамжамиятини бирлаштиришга интилаётган БМТ бу хайрли ғояни кенг қўллаб-қувватлади.

БМТ Ўзбекистон Республикасининг терроризм, экстремизм, айирмачилик ва наркотрафикка қарши биргаликда курашиш ҳамда Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ташаббуслари ва бу йўналишда халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини ҳам юксак баҳолайди ва қўллаб-қувватлайди.

(Давоми 2-бетда.)

Кадрлар танлаш энг муҳим масалалардан бири → 2

ҚВПлар қишга тайёрми? → 3

Бир ўйинда 8 та гол! → 4

Мамлакатингизда қурилиш баробарида бошқа соҳаларда ҳам, айниқса, қишлоқ хўжалиги, ахборот технологиялари, банк-молия, хизмат кўрсатиш сектори муваффақиятли ривожланмоқда. Ўзбекистондаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик халқаро миқёсда тобора кенг эътибор қозонмоқда. Буюк ипак йўлининг энг муҳим йўналиши мамлакатингиз ҳудудидан ўтганининг ўзиёқ Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятининг бой тарихи ва порлоқ келажаги ҳақида яхши тасаввур беради. Бундан ташқари, Ўзбекистонда гўзал ва ноёб меъморий ёдгорликлар жуда кўп. Улар, шубҳасиз, бутун дунёда қизиқиш уйғотади».

Арун КАРДИЛ
(Ҳиндистон)

ОБ-ҲАВО 21-22.09. 2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	23°C	25°C
Самарқанд	21°C	23°C
Нукус	20°C	22°C
Қарши	23°C	27°C
Урганч	20°C	22°C
Навоий	21°C	23°C
Фарғона	21°C	23°C
Бухоро	22°C	24°C
Андижон	21°C	24°C
Наманган	21°C	24°C
Термиз	24°C	28°C
Жиззах	22°C	23°C
Гулистон	22°C	23°C
Тошкент вил.	22°C	23°C
Лондон	18°C	20°C
Париж	21°C	20°C
Москва	14°C	14°C
Мадрид	23°C	21°C
Пекин	25°C	26°C
Гонгконг	27°C	29°C
Рим	25°C	24°C
Анқара	26°C	28°C
Токио	33°C	32°C
Стокгольм	14°C	13°C
Кейптаун	20°C	22°C
Қоҳира	20°C	21°C
Гавана	32°C	30°C
Вашингтон	29°C	29°C

АКТ — 2010 ҳафталиги

■ Тошкентда бошланган АКТ — 2010 ҳафталиги доирасида халқаро телекоммуникация бўйича семинар бўлиб ўтди.

Телекоммуникация бўйича семинар

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва жамиятимизнинг барча жабҳаларига жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистоннинг телекоммуникация бозори жуда жадал ривожланаётгани боис соҳада фаолият кўрсатаётган етакчи компаниялар ҳамда энг янги ишланмаларни ўзига кенг жалб қилмоқда. Халқаро бизнес-марказида бўлиб ўтган семинар бунга мисолдир.

— АКТ ҳафталиги саккизинчи маротаба ўтказилмоқда, — деди Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари Асрор Эшонхўжаев. — Бундай семинар ҳафталик доирасида илк бор ташкил этилди. У кенг жамоатчиликни энг сўнгги инновация ишланмалари билан таништиришга қаратилган.

Семинар доирасида ахборот-коммуникация технологияларида кенг полосали мобиль фойдаланишни жорий қилиш, коммуникация соҳасидаги янги трендлар, жамоат хавфсизлиги ва темир йўллар масалаларининг замонавий ечимлари, тармоқнинг мамлакат иқтисодиётига таъсирига оид маърузалар тингланди.

М. МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири.

Кашфиётлар турнири

Мутахассислар «Tashkent Open»ни шундай таърифлашади

Спорт ■ Пойтахтимиздаги Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида аёллар ўртасида Sony Ericsson WTA Tour туркумига кирувчи Tashkent open халқаро турнири қизғин давом этмоқда. Умумий мукофот жамғармаси 220000 АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур мусобақада Россия, Исроил, Кипр, Руминия, Украина, Қозоғистон, Белоруссия, Швейцария, Италия сингари дунёнинг йигирмага яқин давлатидан келган энг кучли ракеткачилар ғолиблик учун баҳслашмоқда.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Нуфузи йилдан-йил ортиб бораётган турниримизга дунё теннис таснифида пешқадамлардан бири бўлган россиялик Вера Звонарёванинг келиши кутилган эди. Аммо унга АҚШ очиқ чемпионати финалида олган жароҳати халал берди. Шунга қарамай, мусобақа саралаш босқичидаёқ ўйинлар муросасиз тус олди. Ракеткачилар учун ўзига хос тажриба ва маҳорат мактаби саналган Tashkent open халқаро турнирининг саралаш баҳсларида мураббийлар ўн уч нафар теннисчимизга ишонч билдиришди. Аммо ҳал қилувчи учрашувларга йўлланма олиш учун аксарият қизларимиз грециялик Ирини Георгату, белоруссиялик Татьяна Пучек, украиналик Юлия Федак сингари кучли рақибларга қарши кортга тушишди, бу эса имкониятни бирмунча чеклади. Эътиборлиси, шундай кучли рақобатга қарамай, дастлабки учрашувларда умидли ракеткачимиз самарқандлик Лола Азимова россиялик Полина Меренковани, Елена Зенько эса Виктория Карменова (Россия)ни енгиб, мутахассисларда илиқ таассурот қолдиришди.

Кеча мусобақанинг асосий тур учрашувлари бошланди. Унда ҳамюртларимиз Оқгул Омонмуродова, Нигина Абдураимова, Сабина Шарипова ҳамда Алина Абдураҳимова кортга чиқишди.

Эркин ХОЛБОБО

Ўзбекистон Қаҳрамони билан мулоқот

■ Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП фаоли, халқ депутатлари Шаҳрихон туман Кенгаши депутати, тумандаги 53-мактаб-интернат директори Камолидин Ғопиров билан Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси ходимлари ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессор-ўқитувчилари, малака ошириш курси тингловчиларининг учрашуви бўлди.

Андижон вилояти педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти ректори, фалсафа фанлари номзоди Қ.Ибайдуллаев иштирокчиларни Камолидин Ғопиров меҳнат фаолияти билан таништирди, институт илмий кенгашининг қарорига кўра, унга фахрий профессор унвони берилганлиги билан қутлади. Қаҳрамон юксак мукофот масъулияти ҳақида гапираркан, бутун куч-ғайратини баркамол авлод тарбиясига бағишлашини таъкидлади. Учрашув қатнашчиларининг саволларига жавоб берди.

(Ўз мухбиримиз.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2010 ЙИЛ 21 СЕНТЯБРДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚИЙМАТИ

1 Австралия доллари	1526,45	1 Миср фунти	283,87	1 СДР	2468,06	10 Жанубий Корея вони	13,94
1 Англия фунт стерлинги	2536,48	1 Канада доллари	1569,76	1 Туркия лираси	1084,54	10 Япония иенаси	188,92
1 БАА дирҳами	440,75	1 Хитой юани	241,01	1 Швейцария франки	1602,07	1 Россия рубли	52,08
1 АҚШ доллари	1618,89	1 Малайзия рингити	521,72	1 Евро	2096,66	1 Украина гривнаси	204,43

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Ислом Каримовнинг Лондон учрашуви

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Учрашувда Ҳартли Бут Президент Ислом Каримовнинг айнан Лондон шаҳрида тўхтаб ўтиши чуқур рамзий маънога эга эканини таъкидлаб, Буюк Британия Бош вазири Дэвид Кэмероннинг Ўзбекистон Республикаси Президентига мактубини топширди. Унда, жумладан, шундай дейилади: «Бирлашган Қироллик Ўзбекистон билан алоқаларини юксак қадрлайди. Мен британиялик қатор йирик сармоядорлар Ўзбекистонда салмоқли лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдор эканидан хабардорман. Умид қиламанки, Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон — Британия кенгашининг жорий йилдаги навбатдаги мажлиси мамлакатларимиз ўртасидаги ишбилармонлик муносабатларини янги, янада юқори босқичга кўтаради».

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларга, парламентлараро алоқаларга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)



ҲАМКОРЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДАН

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Президент Ислом Каримов БМТ минбаридан сўзлаган нутқида Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган ишлар, мамлакатимизнинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон можаросига алоҳида тўхталди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги кунининг энг долзарб халқаро муаммоларини ҳал этишда уруш ва можаролар тўсиқ бўлаётганини, Афғонистон мисолида бунинг яққол тасдиғини кўриш мумкинлигини таъкидлади. Мазкур мамлакатда вазиятни барқарорлаштириш учун унга иқтисодий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий-гуманитар ва инфратузилмага оид лойиҳаларни амалга ошириш лозимлигини қайд этди. Шу билан бирга, Афғонистон халқининг кўп асрлик анъаналари ва қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш зарур.

Президент Ислом Каримов Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишда атроф-муҳит муҳофазаси муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Сўнгги қирқ йилда Орол денгизининг акваторияси 7 баробар, сувининг ҳажми 13 марта камайди. Оролбўйи минтақаси Амударё ва Сирдарё ҳисобига сув билан таъминланиши ҳисобга олинса, улардаги оқимнинг камайтирилиши шусиз ҳам мураккаб аҳволдаги экологик барқарорликка путур етказади.

Ўзбекистон раҳбарининг илгари сурган таклиф ва ташаббуслари БМТ Бош Ассамблеясининг олий даражадаги мажлиси иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди.

(ЎзА)

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш

энг муҳим масалалардан биридир

ЎзХДП: устувор вазифалар

■ Барча соҳаларда бўлгани каби сиёсий партиялар фаолиятида ҳам малакали кадрлар ташкилот тақдирини ҳал этади. Партия дастурининг халқчил бўлиши ҳамда изчил амалга оширилишини таъминлаш салоҳиятли ва малакали кадрларга боғлиқ. Шу маънода, қобилиятли ходимлар билан ишлаш, кадрларни захирага олиш ва малакасини ошириш каби масалалар долзарб аҳамиятга эга. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши мазкур масалага алоҳида эътибор қаратмоқда.

Маълумки, жорий йилнинг май ойида Марказий Кенгаш партия тизими учун кадрлар танлаш ва захирадаги кадрлар билан ишлаш бўйича концепция қабул қилган эди. Марказий Кенгашнинг ташкилий-кадрлар ишлари ва парламентчилик фаолияти бўлими мудири Зокиржон ХОЛМАТОВ билан мазкур концепция ва, умуман, партия тизимида кадрлар билан ишлаш масаласи хусусида суҳбатлашдик.



— Партия ташкилотлари учун малакали, салоҳиятли, эл-юрт орасида обрў-эътиборга эга кадрларни танлаш, тайёрлаш, етакчиликка тавсия этиш партиямиз Марказий Кенгашининг доимий эътиборида, — дейди у. — Маълумки, 2009 йили бўлган барча бўғиндаги партия ташкилотларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида етакчилар қайтадан сайланди. Тан олиб айтиш керакки, шунгача биз етакчилар танлашда рақобатга эътибор қаратмадик. Лавозимларга захиралар тайёрлаш, уларни рағбатлантириб боришда юзакичиликка йўл қўйдик. Натижада баъзи жойларда бугунги кун талабига жавоб бермайдиган, эскича иш усулидан қутула олмаган ёки амалий ишга уқувсиз кадрлар ҳам сайланиб қолди. Ёш кадрларни лавозимга қўйиш, уларда етакчилик кўникмаларини шакллантириш ишларига кам аҳамият бердик. Мазкур камчиликларни бартараф этиш, партия тизими учун муносиб кадрларни танлашни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Ана шу эҳтиёж туфайли мазкур концепция ишлаб чиқилди.

— Концепция, унинг қоидалари ҳақида батафсилроқ тўхталсангиз?

— Концепция тўртта бўлимдан иборат. Аввало унда партия ташкилотларида турли лавозимларда ишлаётган ходимлар таркиби, ёши, сайланма органда қанча муддат ишлаётгани каби таҳлилий маълумотларга эътибор қаратилган. Иккинчи бўлимда эса бўш лавозимларга ходимларни танлаш, суҳбатдан ўтказиш, лавозимига сайлаш ва тайинлаш тартиби берилган. Концепцияга кўра, ҳар ойнинг иккинчи жума кунини кадрлар билан ишлаш куни деб қайд этилди.

Шунингдек, бўш лавозимларга камида икки нафар номзод тавсия этилиши белгилаб қўйилди. Бу бир неча номзод ўрганиб чиқилиб, энг муносиб икки нафари тавсия этилишини англатади. Улар кадрлар билан ишлаш куни Марказий Кенгашда бўлимлар иш фаолияти билан яқиндан танишади. Ижроқўм Ҳайъати томонидан тасдиқланган ишчи гуруҳ аъзолари улар билан суҳбат ўтказади. Суҳбат натижасига кўра, муносиб номзод танлаб олиниб, белгиланган тартибда пленум муҳокамасига қўйилади. Партия ташкилотлари етакчилари, сайланма органлари аъзоларини тасдиқлаш пленум ваколатига оид масала, албатта. Концепцияда белгиланган қоидалар асосида пленумга қадар кадрларни танлаш, малакаси, билим ва салоҳияти, етакчилик қобилиятини аниқлаш ҳамда фаоллар муҳокамасига киритишнинг механизми такомиллаштирилмоқда. Унга биноан захирага олинадиган шахс ўзининг ишлаб турган жойи, маҳалласида ҳурмат-эътиборга сазовор, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши, сиёсий етук, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар моҳиятини чуқур тушунадиган бўлиши шарт.

— ЎзХДП Марказий Кенгашининг ёш кадрларга алоҳида эътибор қаратишига нималар асос бўлмоқда?

— Партия ишига озми-кўпми қизиқиши, қобилияти бор ёшларни етакчиликка қўйиш фойдадан холи эмас. Бинобарин, концепциядан кўзланган мақсад, авваломбор, иқтидорли ёшларнинг етакчилик қобилиятини шакллантириш ва уларни захирага олиб, ҳар томонлама тарбиялашдир. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Бугунги кунда нафақат пойтахт, балки республикамизнинг барча минтақаларидаги олий ўқув юртларида тарих-сиёсатшунослик факультетлари фаолият кўрсатаяпти. Уларда кўплаб талабалар таҳсил олмоқда. Айнан уларни захирага олсак ва тарбияласак, маълум босқичдан ўтиб етакчиликни бемалол уддалай олишларига ишончим комил. Ҳозир партия кенгашларимизда бир қатор ташаббускор ёшлар фаолият кўрсатмоқда. Бу борада «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари бизнинг таянчимиздир. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга масъул лавозимларни ишониб топшириш янги марраларга етиш учун дадил қўйилган қадам деб ўйлайман.

— Захирадаги кадрлар малакасини оширишда қандай усуллардан фойдаланиш кўзда тутилган?

— Бундай кадрларнинг иш фаолияти, ўзини тутиши, эл орасидаги обрў-эътибори ҳар доим кузатиб борилади. Партия тизимида ишлаётган ходимлар юқори партия аппаратида амалиёт ўтайдилар. Партиянинг турли тадбирларига жалб этилади, сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўтказиладиган ўқувларга жалб этилади. Шунингдек, партия фаолларини ўқитишнинг самарали тизимини яратиш борасида ҳам иш олиб бормоқдамиз. Бу ўқишларга захирадаги энг фаол ёшларни сафарбар этиб бориш ниятидамиз.

— Июль-август ойларида минтақавий партия ташкилотларида айнан кадрлар масалаларига бағишланган ўқув-семинарлар ўтказилди. Бундан кўзланган мақсадга қай даражада эришилди, деб ўйлайсиз?

— Тадбирларимиз очиқ мулоқот тарзида ўтказилиб, савол-жавобларга жуда бой бўлди. Айниқса, кадрлар захирасини шакллантиришда нималарга аҳамият бериш, кимларга таяниш, уларнинг малакасини оширишда қайси талабларга эътибор бериш зарурлиги атрофлича таҳлил қилинди. Семинарларимизда ёш, иқтидорли кадрларни лавозимларга қўйиш масаласи якдиллик билан қўллаб-қувватланди. Семинарларда партиямизга хайрихоҳ 30 ёшгача бўлган кўплаб ёшлар иштирок этди. Улар кадрлар захираси бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишди, партия ҳаёти билан яқиндан танишишди. Улар ўқув-семинарлардан катта маърифий озуқа олганликларини таъкидлашди. Шунингдек, партиямиз Жамоатчилик қабулхоналарига мурожаат этган ёшларнинг масалалари ижобий ҳал этилаётгани, «Ёш сиёсатчи» кўрик-танлови иқтидорли ёшларни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлаётгани, танлов ғолиблари партия етакчилигига захирага олиниши мақсадга мувофиқлиги қайд этилди.

Мухтасар қилиб айтганда, партияда ҳаётий ва партиявий-сиёсий тажрибага эга кадрларимиз жуда кўп. Айниқса, масъул лавозимларда ишлаётган кадрларимиз ҳам устоз-шогирд анъаналарини давом эттириб, ўз ўринларига ҳар томонлама талабларга жавоб берадиган, сиёсий етук, партия ишини ривожлантиришга иштиёқи бор, билимли ёшларни тайёрлаш ишларини олиб бормоқда.

Агар биз ёшларимизни етакчиликка ҳар томонлама тайёрласак, масъул лавозимларни уларга ишониб топширсак, партиямиз ўз электорати манфаатини кўзлаб олиб бораётган ишлар самараси юқори бўлиши шубҳасиз.

Суҳбатдош:
Элмурод ЭГАМҚУЛОВ.

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР СИЁСИЙ ПАРТИЯНИНГ АСОСИЙ ТАЯНЧИДИР. ПАРТИЯ ЎЗ ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИНИ ҲАЁТГА ҚАЙ ДАРАЖАДА ТАТБИҚ ЭТА ОЛИШИ, ТАРАФДОРЛАРИ ВА ХАЙРИХОҲЛАРИНИНГ КЎПАЙИШИ АЙНАН ШУ — ҚУЙИ БЎҒИН ФАОЛИЯТИ БИЛАН БЕВОСИТА БОҒЛИҚ.

Одамлар ишончи

фаолларни мақсад сари янада дадил ҳаракатга ундамоқда

ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

■ Бектемир туман партия кенгаши бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Айниқса, туманда мавжуд 12 та маҳаллада ташкил этилган бошланғич ташкилотлар ҳудуд аҳолисининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошишига хизмат қилаётир.

«Истиқбол» маҳалла фуқаролар йиғинида 100 нафарга яқин ХДП аъзоси бўлиб, улар партия Ҳаракат дастурида белгиланган мақсадларни тарғиб этиш ва уларни амалга ошириш ишларида фаоллик кўрсатмоқда.

— Аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишда қуруқ, юзаки тадбирларга таяниб бўлмайди, — дейди фуқаролар йиғини оқсоқоли, бошланғич партия ташкилоти етакчиси Муҳаммаджон Миразимов. — Шунинг учун бошланғич ташкилотимиздаги йиғилишларда айни шу кундаги ислоҳотлар, хусусан, қонунчилигимиздаги ўзгаришлар ва янгиликлар, ҳукумат қарорларининг аҳамиятини ҳаётий мисоллар асосида тушунтираяпмиз. Баъзи масалалар бўйича очиқ мулоқотлар ташкил этаяпмиз. Шу боис тадбирларимизга қизиқувчилар, партиямизга ишонувчилар янада кўпаймоқда.

— Маҳаллада Жамоатчилик қабулхонаси фаолияти йўлга қўйилган, — дейди туман партия кенгаши раиси ўринбосари Лола Ярашева.

— Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Истиқбол» маҳалласидан 8 та мурожаат қабул қилинди. Уларнинг аксарияти ишга жойлашиш ва ижтимоий таъминот масаласида. Ишга жойлашишда ёрдам сўраган фуқароларга тумандаги корхона-ташкилотларда мавжуд бўш иш ўринлари ҳақида маълумот берилмоқда. Ижтимоий таъминотга муҳтож оилаларга ҳомийлик ёрдами ҳам ташкил этилмоқда.

Жамиятимизда маҳалла алоҳида ижтимоий институт сифатида ўрин тутади. Ундаги бошланғич ташкилотлар мазкур институт билан ҳамкорликда ишлаяпти, бу эса фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ва фаоллигининг ошишига хизмат қилмоқда.

Маҳалланинг бир гуруҳ ёшлари партия сафига қабул қилишларини сўраб мурожаат қилишган эди. Яқинда уларга ЎзХДПга аъзолик гувоҳномаларини топшириш маросими бўлиб ўтади.

Тўлқин ТЎРАХОНОВ

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

■ Аёлларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий ҳимоялаш ишларини такомиллаштириш борасида Ёзёвон туманида қатор изланишлар олиб борилмоқда. Туманимиз аҳолисининг 53 фоизини хотин-қизлар ташкил этади. Уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Бир-биримизга меҳрибонмиз

Туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда аёллар учун янги иш жойлари ташкил қилиш, бўш ўринлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳамкорликда амалга оширилган тадбирлар натижасида шу йилнинг ўтган 7 ойида яна 728 нафар хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди.

Туман соғлиқни сақлаш бўлими билан ҳамкорликда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Хусусан, туғиш ёшидаги аёлларнинг 16768 нафари ҳозиргача тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Улардан 2029 нафарига саломатлигини мустаҳкамлаш учун керакли маслаҳатлар берилди.

Аёлларимиз соғлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашда кенг тарғибот ва тушунтириш ишлари муҳим омил бўлмоқда. Бунда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган партия фаоллари Раҳимахон Ражапова, Мила Цой, Ўктамхон Ёқубова, Мавлудахон Эминова, Маҳфузахон Зокирова, Назирахон Ҳайдарованинг хизмати катта. Шунингдек, 11 та қишлоқ фуқаролар йиғинида фаолият кўрсатаётган партиямиз тарғиботчилари ҳар бир маҳаллада, меҳнат жамоаларида бўлиб аёлларимиз орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишмоқда.

Яқинда «Фаол аёллар» қанотининг фаолиятини кучайтириш масаласини муҳокама қилдик. Ишимизда бир қатор камчиликлар борлиги ҳам очиқ айтилди.

Кимёхон ШАМШИЕВА,
ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти
Ёзёвон туман бўлими етакчиси.

ҚВПлар қишга тайёрми?

Қарор ва ижро

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни камол топтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки қишлоқларда ҳам замонавий шифо масканлари бунёд этилиб, тиббий технологиялар билан жиҳозланаётгани аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаётир.

Қизилқум овулларида истиқомат қилаётган аҳоли ҳам бугун ана шундай юқори сифатли тиббий хизматдан баҳраманд бўлмоқда. Айни пайтда Навоий вилоятида аҳолига тез ва малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, профилактика тадбирлари самарадорлигини оширишнинг муҳим бўғини — бирламчи тиббий муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат сифатини ошириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилябти.

— Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 16 июнда қабул қилинган «Республика иқтисодиёт тармоқларини 2010-2011 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси «Саломатлик-2» бюроси директори Юнус Қосимов. — Вилоятимиз чўл ҳудудида жойлашгани боис, қиш бирмунча совуқ келади. Шунинг учун ҳам куз-қиш мавсумига тайёргарлик алоҳида масъулият билан ёндашувни талаб этади. Ҳозиргача мавжуд 137 қишлоқ врачлик пункти тўлиқ қиш мавсумига тайёрлаб қўйилди. Шифохоналаримизнинг 36 таси кўмир ва 4 таси суюқ ёқилғи билан иситилади. Режага асосан 547 тонна кўмир, икки ярим тонна суюқ ёқилғи захираси яратилди.

Навоий вилоятида жорий йилда «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, вилоят маркази ҳамда Кармана, Қизилтепа, Хатирчи, Нурота, Томди, Учқудуқ, Навбаҳор ва Конимех туманларидаги туғуруқ мажмуалари мукаммал таъмирланди.

Мавсумга тайёргарлик жараёнида қурилганига ўн йилдан ошган ва таъмирталаб бўлиб қолган 32 ҚВП капитал ва жорий таъмирдан чиқарилди. Қизилтепа туманидаги Ванғози, Бободўғи, Хушарти, Зарафшон, Деҳқонобод, Маликобод, Зарметан, Навбаҳор туманидаги Қоражон, Зарафшон, Кармана туманидаги Маликработ, Нарпай, Нурота туманидаги Мустақиллик, Томди туманидаги Кўриздулоқ, Утемурот, Учқудуқ туманидаги Мингбулоқ қишлоқ врачлик пунктлари шулар жумласидандир.

Жорий йилнинг ўтган даврида Хатирчи туманидаги Янги ҳаёт, Навбаҳор туманидаги Метан қишлоқ врачлик пунктлари янгидан қурилиб, фойдаланишга топширилди. Йил охиригача ҚВПлар мавсумга шай ҳолатга келтирилмоқда. Шу билан бирга, марказий шифохонанинг иситиш қозонхоналари, иссиқ ва совуқ сув узатиш қувурлари, газ, электр тармоқлари жорий таъмирланди. Тез тиббий ёрдам бўлими биносининг томи янгидан ёпилди.

Конимехдаги Шўркўл қишлоқ врачлик пункти нафақат вилоят, балки мамлакат миқёсидаги намунали тиббиёт масканларидан бири ҳисобланади. Врачлик пункти ўтган йили Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ўтказилган кўрик-танловда «Энг намунали ҚВП» деган номга сазовор бўлди.

— Қишлоғимизда истиқомат қилаётган тўрт минг нафардан ортиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатамиз, — дейди Шўркўл қишлоқ врачлик пункти мудири Юлдуз Айдарова. — Уларнинг икки мингдан ортиғини хотин-қизлар ташкил этади, шундан 863 нафари туғуруқ ёшидаги аёллардир. «Саломатлик-1» лойиҳаси асосида врачлик пунктимиз ультратовуш, ЭКГ ва бошқа замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Кузги-қишги мавсумга тайёргарлик ишларини тўлиқ ниҳоясига етказдик. Қозонхона, ўт ўчириш жиҳозлари, иситиш қувурлари таъмирланди.

...Ҳаво ҳарорати тушиб, бизни тезроқ қиш тадоригини кўришга ундамоқда. Бугунги салгина эътиборсизлик қорли-қировли кунларда катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Шу боис ҳар бир ишни ўз вақтида бажариш лозим.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ЖОРИЙ ЙИЛДА «АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА КАРМАНА, ҚИЗИЛТЕПА, ХАТИРЧИ, НУРОТА, ТОМДИ, УЧҚУДУҚ, НАВБАҲОР ВА КОНИМЕХ ТУМАНЛАРИДАГИ ТУҒУРУҚ МАЖМУАЛАРИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАНДИ.

Хатирчи туманидаги Аҳмад Ёрлақабов номидаги, Нурота туманидаги Чуя қишлоқларида ҳам замонавий типдаги врачлик пунктларини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Абдурасул Парда олган сурат.

Яккабоғ туманидаги 2-туғуруқ мажмуида 270 нафар тиббиёт ходими эл саломатлиги йўлида фидокорона меҳнат қилиб келмоқдалар. 80 ўринли ушбу даволаш муассасасида 10 та бўлим мавжуд бўлиб, беморларга намунали тиббиёт хизмати кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

— 2008-2009 йиллар мобайнида «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида 65 хил турдаги замонавий аппаратуралар, тиббий асбоб-ускуналар келтирилди, — дейди бош шифокор Шуҳрат Эшмўминов. — Бу эса аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим омил бўлмоқда.

Суратда: *бош шифокор Шуҳрат Эшмўминов (ўртада) шифокорлар Гавҳар Қобилова, Боймурод Сувонов билан.*

TOSHKENT XALQARO AEROPORT

Государственное унитарное предприятие

«Toshkent Xalqaro Aeroporti»

объявляет тендер

на приобретение гранулированного химического реагента АНС в количестве 128 тонн.

Желающих предложить свои услуги просим прислать заявку на получение тендерной документации по адресу: 100167 г.Ташкент, ул. С. Талипова, 13, первому заместителю директора аэропорта Юсупову Ш.Н.

В заявке указать желаемый для вас способ пересылки документов и соответствующие адреса и телефоны.

Заявки на документацию (техническую и коммерческую часть) по тендеру будут приниматься до 30 сентября 2010 г., тендерные предложения — до 11 октября 2010 г. включительно.

Тендер проводится 13 октября 2010 г.

Дополнительную информацию можно получить по телефонам: 120-98-42, 140-29-07.
E-mail: tas-airport@mail.ru

Унитарное предприятие «Дирекция по строительству объектов инфраструктуры Устюртского газо-химического комплекса и обустройство газоконденсатного месторождения Сургиль» акционерной компании «Узнефтегаздобыча»

объявляет тендер на проведение пусконаладочных работ газопоршневых электростанций на газоконденсатном месторождении «Сургиль» Республики Каракалпакстан Муйнакского района

ТЕХНИЧЕСКИЕ ДАННЫЕ ГАЗОПОРШНЕВОЙ ЭЛЕКТРОСТАНЦИИ

Gen-set	Model	RPT-20GF	Generat-or	Model	LL6114K	Testing Environ-ment	Temperature	28
	Ser.No	FGW01949		Ser.No	239559/001		Relative Humidity	35%
	Power	420KW		Power	420KW		Atmospheric Pressure	100KPa
	Speed	1500r/min		Factory	LEROY SOMER			
	F/V	50HZ/400V		Date	09.07			
Engine	Model	4008-30TRSI	Control Panel	Model	POWERWIZARD 2.0			
	Ser.No	19996S		Ser.No	/			
	Power	447		Power	420KW			
	Factory	PERKINS		Factory	FG Wilson			
	Date	08.10		Date	09.07			

Контактное лицо : Курбанбаев Айбек, инженер департамента по контролю за капитальным строительством УП «Дирекция по строительству объектов инфраструктуры УГХК и обустройство ГКМ Сургиль»
Тел/факс 8 (361) 312-27-12 , сот. +99 893 921-06-08

Адрес для обращения: 230600, Республика Каракалпакстан. г.Кунград. ул. Гарезсизлик 110, тел/факс 8 (361) 312-27-12, E-mail direkciya_ugcc @ inbox.uz

Хорижда

Делегация ташрифи

халқаро сабабларга кўра қолдирилди

Бутунхитой халқ вакиллари мажлисининг доимий қўмитаси раиси ўринбосари Ли Цзяньго бошчилигидаги парламент делегациясининг Японияга ташрифи икки мамлакат ўртасида юзага келган маълум сабабларга кўра қолдирилди. Бу ҳақда Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Цзян Юй журналистларга маълум қилди.



Гап шундаки, 7 сентябрь куни Тайван шимолишарқида, 170 километр узоқликда жойлашган кимсасиз Сенкаку ороли яқинида Японияннинг денгиз қирғоғи кўрикчилари Хитойнинг балиқчи траулерини қўлга олганди. Ушбу кема балиқчилари билан бирга Японияннинг Исигаки ороли портига олиб кетилган ва кема капитанини қирғоқ кўрикчиларига қаршилик кўрсатгани учун қамаб қўйишганди.

Хитой маъмурияти Япония маъмуриятидан балиқчиларни тезкорлик билан озод этишини талаб қилди. Яқинда Япония маъмурияти 14 нафар балиқчини озод қилди. Лекин балиқчи кема капитани Хитой маъмурияти бир неча бор талаб қилган бўлишига қарамай, озод қилинмади. Шу боис Хитой парламенти делегациясининг 15 сентябрга мўлжалланган Японияга расмий ташрифи қолдирилди, дея хабар беради «Новости» АА.

Контрабандага алоқаси бор-йўқлиги

синчиклаб текширилмоқда

Буюк Британия ҳарбий полицияси Афғонистонда иттифоқчи кучлар таркибида хизмат қилаётган британиялик ҳарбийларнинг гиёҳванд моддалар контрабандасига алоқаси борлиги ҳақидаги айбловлар нечоғли ҳақиқатга яқинлигини аниқлаш учун текширув ўтказмоқда.

«BBC» хабарига кўра, Британия Мудофаа вазирлиги баён қилишича, Афғонистондан гиёҳванд моддалар контрабандасида ҳарбий самолётлардан ҳам фойдаланилганлиги тўғрисидаги фактлар билан тасдиқланмаган гаплар вазирлик «қулоғи»га ҳам етиб борган. Шу боис вазирлик «Бастион» авиабазасида ва Қандаҳорда хавфсизлик чораларини кучайтирди. Ўтган ойдан бошлаб авиабазада гиёҳванд моддалар бор-йўқлигини аниқлаш ва текширув ўтказиш учун ўргатилган итлардан фойдаланилмоқда.

Маълумки, дунё опиумининг 90 фоиздан ортиғи Афғонистонда етиштирилади. Ундан кўрилган фойда ҳисобига Афғонистондаги жангари гуруҳлар, аниқроғи, толибонлар қурол сотиб олмоқда. Наркотик моддалар савдосидан кўрилган фойда миллион-миллион долларни ташкил этади.

2008 йили эълон қилинган БМТ маърузасида қайд этилишича, Афғонистонда умумий кўкнори опиумининг 98 фоизи толибонлар назоратидаги еттита музофотда етиштирилган.

Рецептсиз дори савдоси

катъий тақиқланади

Мексика маъмурияти мамлакат дорихоналарида шифокорлар рецептисиз антибиотиклар савдосига чек қўйиш мақсадида кенг миқёсли текширув амалиёти олиб бормоқда. Айни пайтда 36 мингдан ортиқ дорихоналарда нафақат рецептлар бўйича савдо-сотиқ, балки рецептларнинг ҳақиқийлиги ҳам текширилмоқда.

Бундай текширувлар амалга оширилишига сабаб мамлакат аҳолиси томонидан антибиотиклар ҳаддан зиёд кўп истеъмол қилинаётганидир. Бу эса инфекцияларнинг дориларга чидамлилигини ошириб юбормоқда.

Мексика санитар назорати бўйича федерал комиссияси маълумотларига кўра, мамлакатда йилига 70,5 миллион қути турли антибиотиклар савдоси амалга оширилади. Бунинг 40 фоизи амалдаги қоидага зид равишда рецептсиз сотилган антибиотиклардир.

Дорихонада рецептсиз савдо аниқланса, белгиланган тартибга кўра, йирик миқдорда жарима жазосига тортилади ва ҳатто лицензиясини бекор қилишгача бўлган чоралар кўрилиши қатъий белгиланган.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, 2-Бўз мавзеси 4-уй, 12-хонадонда яшовчи Шукуров Баҳодир Мақсудович номига 1993 йил 14 июлда берилган 00-21/5476 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, вилоят партия кенгаши Ижроия қўмитаси аъзоси Анвар Аҳмедовга онаси

Нафиса ая ҲАМИДОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Қоғоздан – ахборот технологияларига

Қарор ва ижро

■ Мамлакатимизда давлат ва хўжалик бошқаруви, жойлардаги ижро ҳокимияти органларида қоғоздан тежамкорлик билан фойдаланиш, қоғоз маҳсулотларини ишлаб чиқаришда технологик йўқотишларни камайтириш имконини берадиган стандартлар изчил жорий этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 22 июлда қабул қилинган «Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ушбу вазифаларни ҳал этишга хизмат қилмоқда.

Мазкур ҳужжатда таъкидланганидек, бу борада қабул қилинган чора-тадбирлар қоғоз маҳсулотларини тендер асосида харид қилиш тизимини такомиллаштириш ва сотиб олиш харажатларини камайтиришга хизмат қилади. Мамлакатимизда бошқарув тизимини такомиллаштириш, маҳаллий ва тармоқлараро вазифаларни тезкор ҳал этиш, қоғоз сарфини камайтириш мақсадида компьютер ва ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, электрон ҳужжат айланиши изчил жорий этилмоқда, давлат ва идоравий интерфаол хизмат кўрсатиш турлари тармоғи ривожланмоқда. Натижада қоғоз сарфи 10 фоиздан 40 фоизгача қисқарди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида ҳам замонавий техника, янги технологиялар ва илғор тажрибани жорий этиш орқали техник эҳтиёжлар учун ишлатилаётган қоғоз сарфи босқичма-босқич камайтирилмоқда.

Мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид стратегик мақсадларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этиш Савдо-саноат палатаси фаолиятининг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Палата Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган тадбиркорликни ташкил этиш ва унинг тизимли фаолият кўрсатишини қўллаб-қувватлаш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Бу ерда ташкилий, инфратузилмавий, интеллектуал ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга доир ишлар мунтазам йўлга қўйилган. Савдо-саноат палатасининг таркибий бўлимлари, жумладан, ижроия қўмитаси, 14 ҳудудий бошқармаси, икки юздан ортиқ ахборот-маслаҳат маркази, 14 ҳакамлик суди, 3 тренинг-ресурс маркази ва 17 унитар корхонаси томонидан тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатилмоқда. 20 мингдан зиёд хўжалик субъекти унинг аъзолари саналади. Палата хорижда 21 ваколатхонага эга, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Покистон, Индонезия каби мамлакатлар ҳамда Европа иттифоқидаги 50 дан ортиқ хорижий шериклари билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатган.

— Палатамизнинг марказий аппарати ва ҳудудий бўлимларида операция сарф-харажатларини камайтириш мақсадида белгиланган вазифалар ва палата зиммасига юкланган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ барча жорий бизнес жараёнларга ахборот технологияларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг истиқбол ва бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи Нодир Султонмуҳамедов. – Ҳар йили марказий аппарат ходимлари томонидан факсимил алоқа орқали олинган 20 мингдан ортиқ хат, 5400 ҳужжат, info@chamber.uz корпоратив почта манзилига келган 1200 мурожаат ҳамда электрон почта орқали олинган 50 мингдан ортиқ хат кўриб чиқилади. Бу нафақат кўплаб қоғоздаги, балки электрон ҳужжат айланиши амалга оширилишидан далолатдир. Аммо аслини олганда, қоғоз айланиши фақат девонхона томонидан камайтирилмоқда. Қоғоз айланишининг 60 фоизини турли вазирлик, идора ва ташкилотлардан келадиган хатлар ташкил қилади. Қолган 40 фоизи муайян давлат органларига юборилиши шарт бўлган ҳужжатлардир. Мисол учун, аъзоларимиз манфаатини ҳимоя қилиш учун судга ариза берадиган бўлсак, одатда, ҳужжатларнинг 15-20 бетдан иборат қоғоз шаклидаги мавжуд бўлиб, уларда 140 миллиондан зиёд китоб ва газета-журнал сақланаяпти. Тадбирнинг асосий мақсади ҳам китобхонлар сонини ошириш орқали шу кутубхоналар гавжум бўлишини таъминлаш, халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида мутолаа маданиятини юксалтиришдан иборат. Шунингдек, тадбир доирасида китобхонлар янги ахборот-технологиялардан фойдаланиш ва улардан маълумот олишнинг замонавий усуллари билан таништирилади.

— Миллий кутубхонамизда 10 миллионга яқин китоб, қўлёзма, диссертация матни, газета-журнал, грампластинка, харита ва плакатлар бор, — дейди Миллий кутубхона директори, филология фанлари доктори Абдусалом Умаров. — Айрим китобларимиз дунёда ягона нусха ҳисобланади. Истагимиз, китобхонларимиз инсон камолотида муҳим ўрин тутадиган бебаҳо китоб хазинасидан унумли фойдалансин.

— **Ёшларни, тадқиқотчиларни кўпроқ кутубхонанинг электрон фонди қизиқтиради. Бу борада кутубхонада қандай ишлар амалга оширилди ва янгиликлар жорий этилди?**

— Кейинги йилларда 1200 дан зиёд нодир китоб, бир аср илгари чоп этилган, яъни сақланиши қийин бўлган газеталар ўн мингга яқин диссертация матни, уч юз мингдан зиёд библиографик маълумотларнинг электрон вариантлари яратилди. Бундан ташқари, тўрт юздан зиёд янги чиққан электрон китобларимиз бор. Кутубхонамиз АҚШдаги EBSCO Publishing илмий кутубхонаси журналларига обуна бўлган. Китобхонларимиз учта интернет хонасида шу кутубхонанинг беш тилда чиқадиган илмий журналларидаги маълумотларни олишлари мумкин. Диссертация залимизда эса Россия Давлат кутубхонасида сақланаётган энг долзарб мавзудаги 300 мингдан кўпроқ диссертацияларнинг электрон матни билан танишиш имконияти мавжуд.

«Мутолаа байрами» кутубхонада 30 сентябргача давом этади. Тадбирда таниқли ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар, рассомлар билан юзма-юз учрашувлар ҳам белгиланган.

Асрор МЎМИН



МАМЛАКАТИМИЗДА БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, МАҲАЛЛИЙ ВА ТАРМОҚЛАРАРО ВАЗИФАЛАРНИ ТЕЗКОР ҲАЛ ЭТИШ, ҚОҒОЗ САРФИНИ КАМАЙТИРИШ МАҚСАДИДА КОМПЬЮТЕР ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ТАРМОҒИ РИВОЖЛАНМОҚДА. НАТИЖАДА ҚОҒОЗ САРФИ 10 ФОИЗДАН 40 ФОИЗГАЧА ҚИСҚАРДИ.

Мамлакатимизда электрон шаклда кўрсатиладиган интерфаол давлат хизматлари тизими ривожланмоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси юртимиз тадбиркорларини қўллаб-қувватлаган ҳолда ушбу жараёнга салмоқли ҳисса қўшаётир.

Савдо-саноат палатасининг корпоратив сайти бунга мисол бўла олади. Унда ҳар қандай тадбиркорлик субъекти турли саволларга жавоб олиши мумкин: виртуал кўргазма модуллари, савдо майдончаси, ускуналар каталоги ишлаб турибди. Бу ерда кўпинча тадбиркорлар томонидан берилади ган 150 дан ортиқ саволга батафсил жавоблар бор.

Яқин келажакда «электрон ҳукумат» тизимини янада ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Негаки, бугун тадбиркорларнинг турли бўғиндаги раҳбарлар билан ўзаро ҳамкорлиги бевосита қоғоз шаклидаги ҳужжатларни олиш ва қатор ваколатли органларга бир қанча нусхаларда тақдим этиш билан боғлиқ. Айнан шу боис Савдо-саноат палатаси дастлабки босқичда барча давлат органларига ҳужжатларни электрон шаклда топшириш тизимини таклиф этишни режалаштирмоқда. Иккинчи босқичда эса тадбиркорлар тўғридан-тўғри давлат органларига мурожаат қилмасдан, офиси ёки уйидаги компьютерда ўзи бизнесини рўйхатдан ўтказиши, банкда ҳисоб-рақамини очиши, тўловларни амалга ошириши, хўжалик фаолияти билан боғлиқ маълумотнома ёки рухсатнома олиши учун имкониятлар яратилади.

— «Электрон ҳукумат»ни ривожлантириш катта салоҳиятга эга, — дейди Нодир Султонмуҳамедов. — Масалан, бугун тадбиркорлар муайян интерфаол давлат хизматлари (кўпроқ ахборот хизматлари)дан фойдаланиш, Давлат солиқ қўмитаси ёки Давлат статистика қўмитасига электрон шаклдаги айрим ҳужжатларни тақдим этиш имконига эга. Савдо-саноат палатаси бу борадаги ишларни янада ривожлантиришни режалаштирмоқда. Чунки, кўплаб корхоналар ўзининг молиявий ва бошқарув ҳисобдорлигини турли дастурий воситалардан фойдаланган ҳолда шакллантирмоқда. Ҳисоботларни тузиш ва давлат органларига электрон почта бўйича компьютер орқали жўнатиш имкониятини жорий этиш, биринчидан, вақтни тежайди, иккинчидан, давлат органлари ходимлари ҳамда тадбиркорлар учун қоғоз сарфини камайтириш имконини беради. Мамлакатимизда ҳукуматнинг бизнес билан ўзаро ҳамкорлигини соддалаштириш тизимлари, масалан, электрон савдо тизимларини жорий этиш ва ривожлантириш палата учун устувор вазифа ҳисобланади. Бу тизимлар, ўз навбатида, компанияларга реал вақтда товарлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш, шартномалар тузиш, Интернет тармоғи ёки тендерларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ишлар учун вақт ҳамда харажатларни камайтирадиган электрон давлат харидлари тизимларидан фойдаланиш орқали логистика жараёнларини амалга ошириш имконини беради.

Мехрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири.

Китоб — бебаҳо хазина

у ўқилганда қиммати янада ошади

«Мутолаа байрами»

■ Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида анъанавий «Мутолаа байрами» бошланди.

Мамлакатимизда 12 мингдан зиёд кутубхона (ахборот-ресурс маркази) бўлиб, уларда 140 миллиондан зиёд китоб ва газета-журнал сақланаяпти. Тадбирнинг асосий мақсади ҳам китобхонлар сонини ошириш орқали шу кутубхоналар гавжум бўлишини таъминлаш, халқимиз, айниқса, ёшлар ўртасида мутолаа маданиятини юксалтиришдан иборат. Шунингдек, тадбир доирасида китобхонлар янги ахборот-технологиялардан фойдаланиш ва улардан маълумот олишнинг замонавий усуллари билан таништирилади.

— Миллий кутубхонамизда 10 миллионга яқин китоб, қўлёзма, диссертация матни, газета-журнал, грампластинка, харита ва плакатлар бор, — дейди Миллий кутубхона директори, филология фанлари доктори Абдусалом Умаров. — Айрим китобларимиз дунёда ягона нусха ҳисобланади. Истагимиз, китобхонларимиз инсон камолотида муҳим ўрин тутадиган бебаҳо китоб хазинасидан унумли фойдалансин.

— **Ёшларни, тадқиқотчиларни кўпроқ кутубхонанинг электрон фонди қизиқтиради. Бу борада кутубхонада қандай ишлар амалга оширилди ва янгиликлар жорий этилди?**

— Кейинги йилларда 1200 дан зиёд нодир китоб, бир аср илгари чоп этилган, яъни сақланиши қийин бўлган газеталар ўн мингга яқин диссертация матни, уч юз мингдан зиёд библиографик маълумотларнинг электрон вариантлари яратилди. Бундан ташқари, тўрт юздан зиёд янги чиққан электрон китобларимиз бор. Кутубхонамиз АҚШдаги EBSCO Publishing илмий кутубхонаси журналларига обуна бўлган. Китобхонларимиз учта интернет хонасида шу кутубхонанинг беш тилда чиқадиган илмий журналларидаги маълумотларни олишлари мумкин. Диссертация залимизда эса Россия Давлат кутубхонасида сақланаётган энг долзарб мавзудаги 300 мингдан кўпроқ диссертацияларнинг электрон матни билан танишиш имконияти мавжуд.

«Мутолаа байрами» кутубхонада 30 сентябргача давом этади. Тадбирда таниқли ёзувчи-шоирлар, санъаткорлар, рассомлар билан юзма-юз учрашувлар ҳам белгиланган.

Асрор МЎМИН

СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ — СПОРТ

«Ёшлар» спорт саройи

Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

2010 йил — Баркамол авлод йили

■ Андижон шаҳрида Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан «Ёшлар» спорт саройи бунёд этилди.

Мазкур иншоотни замон талаблари даражасида жиҳозлаш учун жамғарма ҳисобидан 1 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилди.

Бу ерда ёшлар спортнинг бадиий гимнастика, баскетбол, волейбол, футбол, сузиш яккакураш каби турлари билан шуғулланишлари учуҳ қулай шароитлар яратилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бир ўйинда 8 та гол!

■ Футбол бўйича Ўзбекистон XIX миллий чемпионати олий лига жамоалари йигирманчи тур ўйинларини ўтказишди.

Турнинг марказий учрашувларидан бири Фарғонада «Нефтчи» — «Бунёдкор» жамоалари ўртасида кечди. Унда бу йилги мавсумни жуда бўш ўтказаётган мезбонлар ўз дарвозалари тўридан жавобсиз учта тўп олиб чиқишди.

Ғузорда «Шўртан» — «Олмалиқ» жамоалари ўртасида ўтказилган баҳсда мухлислар хоккейча ҳисобнинг гувоҳи бўлдилар. Унда дарвозаларга саккизта тўп киритилди. Мазкур ўйинда газчилар ҳужумчиси Шахбоз Эркинов рақиблари дарвозасини тўрт маротаба аниқ нишонга олиб, бу йилги чемпионатдаги илк «покер»ни қайд этди. Якунда «Шўртан» футболчилари 5:3 ҳисобида зафар қучишди.

Турнинг қолган учрашувлари қуйидагича якунланди: «Қизилқум» — «Динамо» — 3:1, «Локомотив» — «Андижон» — 2:0, «Металлург» — «Машъал» — 1:0, «Пахтакор» — «Хоразм» — 3:0, «Насаф» — «Навбаҳор» — 1:0.

(Ўз мухбиримиз.)

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Tat`yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 225-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 225-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 235-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg`onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Abdusalim MAHMUDOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г – 849
7943 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O`zA yakuni — 00.15
Topshirilgan vaqti — 01.55
1 2 3 5
Sotuvda erkin narxda